

Ўзбекистон Республикаси
Давлат активларини бошқариши
агентлигидага рўйхатга олинган
2021 йил 27 август
№ 3331

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги

ҳамда

**акциядорлик жамияти шаклидаги “UzAssets investitsiya kompaniyasi”
ўртасида**

**ДАВЛАТ АКЦИЯ ПАКЕТЛАРИ (УЛУШЛАРИ)НИ СОТИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ ЮЗАСИДАН
БОШ КЕЛИШУВ**

Тошкент, 2021 й



Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги номидан, Низом асосида фаолият юритувчи Агентлик директори А.Ж. Ортиков (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) бир томондан, “UzAssets investitsiya kompaniyasi” АЖ номидан, Устав асосида фаолият юритувчи Бошқарув раиси А.А. Қаҳхоров (кейинги ўринларда “Ижрочи” деб юритилади) иккинчи томондан, биргаликда “Томонлар” деб юритилади, мазкур Бош келишувни қуидагилар ҳақида туздилар:

1. Бош келишув предмети

1.1. Ижрочи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 февралдаги “Давлат активларини хусусийлаштириш жараёнларини янада тезлаштириш чора-тадбирлари түғрисида”ги ПФ-6167-сон Фармонининг 2-иловаси иккинчи бўлимида кўзда тутилган корхоналардаги (кейинги ўринларда - Корхоналар) давлат акция пакетлари (улушлари)ни консалтинг, аудиторлик ва инвестиция маслаҳатчилари, инвестиция банклари ва бошқа ихтисослашган компаниялар (кейинги ўринларда — профессионал ташкилотлар)ни жалб қилган ҳолда сотиш жараёнларини ташкил этиш бўйича хизмат кўрсатиш мажбуриятини, Буюртмачи эса мазкур Бош келишув шартларига асосан, Корхоналарни сотиш бўйича тегишли чоралар кўриш ва кўрсатилган хизмат учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2. Умумий шартлар

2.1. Буюртмачи ушбу Бош келишув шартларини амалга ошириш учун Ижрочини ўзининг ваколатли ижроиси сифатида тайинлайди.

2.2. Ижрочи, Корхоналардаги акция пакетлари (улушлари)ни сотишга тайёрлаш ва сотишни ташкил этиш учун жалб этиладиган Профессионал ташкилотлар билан Буюртмачи номидан ва Буюртмачи манфаатларини кўзлаган ҳолда ҳамкорлик қиласи. Бунда, жалб этилган Профессионал ташкилотлар билан шартномаларни бевосита Буюртмачи тузади.

2.3. Ижрочи томонидан бажариладиган ишлар хажми ушбу Бош келишувда кўрсатилган ишларни қамраб олади.

Буюртмачи Корхоналардаги акция пакетлари (улушлари)ни сотишни ташкил этиш учун талаб этиладиган қўшимча вазифаларни амалга оширишни Ижроидан талаб этиши мумкин.

2.4. Ижрочи томонидан бажариладиган ишлар бухгалтерия ҳисоби, солик, ҳуқуқий, бизнес бошқаруви ёки бошқа маҳсус соҳалар бўйича маслаҳатларни ўз ичига олмайди. Хизматлар аудит ҳисобланмайди. Ижрочи Корхоналардаги акция пакетлари (улушлари) бўйича акциядор (таъсисчи) ҳуқуқ ва мажбуриятларини бажармайди.

2.5. Буюртмачи ва Корхоналардаги акция пакетлари (улушлари)ни сотишни тўғри ва самарали ташкил этиш мақсадида Ижрочи ва/ёки Ижрочи томонидан жалб этиладиган Профессионал ташкилот томонидан берилган таклиф ва тавсияларни Корхоналарда ижрога қаратиш бўйича зарурый чораларни кўради.

3. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Ижрочининг мажбуриятлари:

Корхоналардаги давлат акция пакетлари (улушлари)ни сотишга тайёрлаш ва сотишни ташкил этиш учун Профессионал ташкилотларни жалб этиш чораларини кўриш, Профессионал ташкилотлар билан хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларни тузиш юзасидан Буюртмачига тегишли таклифларни киритиш;

Профессионал ташкилотлар билан Буюртмачининг номидан ҳамкорлик қилиш, Профессионал ташкилот ва Буюртмачи ўртасида тузилган хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартнома шартларига мувофиқ тегишли хизматлар кўрсатилишини назорат қилиш, Профессионал ташкилотга сўровномалар юбориш, кўшимча маълумот ва изоҳлар сўраш, Корхоналардаги давлат акция пакетлари (улушлари)ни сотиш жараёнини ташкил этишга оид кўрсатмалар юбориш;

Профессионал ташкилотлар томонидан тайёрланадиган хисобот, тавсия ва таклифларни ўрганиб чиқиши ва заруратга кўра, Буюртмачини хабардор қилган ҳолда ушбу материалларни қайта ишлаш бўйича таклифларини юбориш;

Профессионал ташкилотлар тавсияси асосида Корхоналардаги давлат акция пакетлари (улушлари)ни сотиш механизми ва тартиби юзасидан Буюртмачига тегишли таклифларни киритиш;

Корхоналардаги давлат акция пакетлари (улушлари)ни сотиш жараёнини ташкил этиш ва сотиш юзасидан Буюртмачи ёки ваколатли органларнинг тегишли қарорини қабул қилиш ва ушбу қарорларни ижро этишга кўмаклашиш;

Корхоналардаги давлат акция пакетлари (улушлари)ни сотиб олиш бўйича потенциал харидорнинг ариза ва таклифларини Буюртмачига киритиш;

Корхоналардаги давлат акция пакетлари (улушлари)ни сотиш юзасидан олди-сотди шартномалари лойиҳаларини тайёрлашда кўмаклашиш, потенциал харидорлар билан музокаралар ва муҳокамаларда иштирок этиш;

амалга оширилган ишлар тўғрисида Буюртмачи билан келишилган даврийликда Буюртмачига маълумот тақдим этиб бориш.

Ижрочи хар бир босқични Буюртмачи билан ёзма равища келишиб иш кўришга мажбур.

Ижрочи Корхоналардаги давлат акция пакетлари (улушлари)ни сотиш жараёнида Буюртмачининг кўрсатмасига асосан бошқа вазифаларни бажаради.

3.2. Ижрочининг ҳуқуқлари:

Корхоналардан давлат акция пакетлари (улушлари)ни сотишга тайёрлаш ва сотиш жараёнида зарур бўладиган маълумотларни сўраб олиш, ушбу жараёнга тўсқинлик қилаётган ёки тўсқинлик қилишга уринаётган ҳолатлар аниқланган тақдирда, Буюртмачига тегишли ахборот ва таклиф киритиш;

Жалб этилган Профессионал ташкилотлар томонидан хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартнома шартлари бажарилмаганлиги, тўлиқ ёки талаб даражасида бажарилмаганлиги, шунингдек улар томонидан ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда юзаки, носамимий, учинчи шахсларнинг манфаатларини кўзлаган ҳолда ёндашилганлиги, қонунчилик ёки этика қоидаларига зид ҳаракатлар содир этилганлиги аниқланган тақдирда, чалғитувчи ёки атайн ёлғон маълумотлар тарқатилганлиги ҳоллари аниқланган

такдирда, улар томонидан кўрсатилган хизматга нисбатан асосли равища берилган таклифлар рад этилган такдирда, Профессионал ташкилотлар билан тузилган шартномаларни бекор қилиш юзасидан таклифлар киритиш;

зарурат туғилган ҳолларда, Корхоналардаги давлат акция пакетлари (улушлари)ни сотиш жараёнларига ўзгартириш киритиш ёки тўхтатиш юзасидан асосланган таклифлар киритиш;

ушбу Бош келишувдан келиб чиқадиган вазифаларни бажариш мақсадида, тегишли мутахассислар ва алоҳида масалалар учун ихтисослашган ташкилотларни жалб этиш;

ушбу Бош келишувда белгиланган тартибда Ижрочи томонидан амалга оширилган ишлар учун хизмат ҳақини олиш.

Ижрочи қонун ҳужжатлари ва ушбу Бош келишувдан келиб чиқадиган бошқа ҳуқукларга ҳам эга бўлиши мумкин.

3.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

Ижрочи томонидан Корхоналардаги давлат акция пакетлари (улушлари)ни сотиш жараёнларини самарали ташкил этиш, Корхоналар ва жалб этиладиган Профессионал ташкилотлар билан самарали ҳамкорликни амалга ошириши учун етарли шароитларни яратиб бериш;

Ижрочи томонидан, шу жумладан Профессионал ташкилотлар амалга оширган хизмат фаолияти натижаси сифатида, киритилган ахборот, таклиф ва тавсиялардан келиб чиқиб, Корхоналардаги давлат акция пакетлари (улушлари)ни сотиш бўйича зарурый чораларни кўриб бориш ҳамда сотиш бўйича тегишли қарорлар қабул қилиш;

Ижрочи томонидан берилган маълумот, таклиф ва тавсияларни амалга ошириш бўйича Буюртмачининг масъул бўлинмаларини белгилаш;

кўрсатилган хизматлар учун белгиланган тартибда Ижрочига, Ижрочи томонидан жалб этиладиган Профессионал ташкилотларга хизмат ҳақи тўловларини амалга ошириш.

3.4. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

Ижрочи, Профессионал ташкилот ва Корхоналардан сотишига тайёргарлик ва сотиш жараёни тўғрисида қўшимча маълумот ва изоҳларни талаб қилиб олиш;

Корхоналардаги давлат акция пакетлари (улушлари)ни сотиш бўйича Профессионал ташкилот томонидан олинадиган таклифлар, тавсиялар, ўрганиш ҳисботлари ва бошқа материалларни олиш;

Давлат акция пакетлари (улушлари)ни сотиш жараёнида асосий талабларни белгилаш;

тегишли тартибда Корхоналардаги давлат акция пакетлари (улушлари)ни сотиш жараёнларини ўзгартириш ёки тўхтатиш.

Буюртмачи қонун ҳужжатлари ва ушбу Бош келишувдан келиб чиқадиган бошқа ҳуқукларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4. Томонларнинг жавобгарлиги

4.1. Ижрочи ушбу Бош келишувга мувофиқ, ўз мажбуриятларини бажариш учун Буюртмачи олдида жавобгар бўлади.

4.2. Куйидаги ҳолларда, ушбу Бош келишувда кўрсатилган Ижрочининг мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда, Ижрочи жавобгарликдан озод қилинади:

Корхоналар томонидан давлат акция пакетлари (улушлари)ни сотишга тайёрлаш ва сотиш жараёнига оид тегишли маълумот ва хужжатларнинг тақдим этилмаслиги натижасида юзага келган бўлса, агарда бу тўғрисида Ижрочи томонидан Буюртмачи хабардор қилинган бўлса;

мажбуриятларнинг ижроси Профессионал ташкилотлар томонидан хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартнома шартлари бажарилмаганлиги, тўлиқ ёки талаб даражасида бажарилмаганлиги, шунингдек улар томонидан ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда юзаки, носамимий, учинчи шахсларнинг манфаатларини кўзлаган ҳолда, қонунчилик ёки этика қоидаларига зид ҳаракатлар содир этилганлиги аниқланганлиги натижасида ёхуд чалғитувчи ёки атайин ёлғон маълумотлар тарқатилганлиги ҳоллари аниқланганлиги натижасида таъминланмаган бўлса, бу тўғрисида Ижрочи томонидан Буюртмачи олдиндан хабардор қилинган ҳолларда.

5. Кўрсатиладиган хизмат учун ўзаро ҳисоб-китоб қилиш тартиби

5.1. Ижрочи ўз фаолиятини амалга ошириш учун саклаш харажатлари ҳамда Корхоналардаги акция пакетлари (улушлари)ни сотишдан олдинги тайёрлаш ва сотиш билан боғлиқ амалга оширган (оширадиган) харажатлар микдорини Ижрочининг Кузатув кенгashiда тасдиқланишини таъминлайди.

5.2. Ижрочи тасдиқланган харажатлар суммасини ўтказиб бериш бўйича Буюртмачига тегишли далолатнома тақдим этади.

Ушбу далолатномага мувофиқ, Корхоналардаги давлат акция пакетлари (улушлари)ни сотиш ҳолатидан катъий назар, Буюртмачи тўловларни босқичмабосқич, лекин ушбу сўровнома юборилган кундан бошлаб, З ойдан кўп бўлмаган муддатда ўтказиб беради.

5.3. Ижрочи фаолиятини амалга ошириши учун саклаш харажатлари ҳамда Корхоналардаги акция пакетлари (улушлари)ни сотишдан олдинги тайёрлаш ва сотиш билан боғлиқ амалга оширган (оширадиган) харажатлар микдори ўзгарган тақдирда, Ижрочининг Кузатув кенгashiда тасдиқлаган ҳолда, Буюртмачига қўшимча сўровнома юборилиши мумкин.

5.4. Ҳар бир муваффақиятли хусусийлаштирилган давлат акция пакетлари (улушлари) учун Буюртмачи Ижрочига муваффақиятли сотув учун мукофот тўловини амалга оширишни кўриб чиқади.

6. Бош келишув муддати ва бекор қилиш тартиби

6.1. Бош келишув Томонлар томонидан имзоланган ва Буюртмачи томонидан рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради. Бош келишувнинг амал қилиш муддатининг тугаши унда кўрсатилган Томонларнинг барча мажбуриятлари бажарилгандан кейин содир бўлади.

6.2. Томонлар Бош келишувни бир томонлама бекор қилиш истаги тўғрисида Бош келишувни бекор қилиш кутилаётган санада камида 30 кун олдин иккинчи томонга ёзма хабарнома юбориши шарт.

6.3. Агар Бош келишув ҳар қандай сабабга кўра Буюртмачи томонидан бекор қилинган бўлса, Ижрочи ўз мажбуриятларини бузганлиги ҳолатлари бундан мустасно, ёки Ижрочи Бош келишув шартлари Буюртмачи томонидан бузилганлиги учун уни бекор қилган бўлса, Буюртмачи Бош келишувнинг бекор қилинган санасига қадар Ижрочи томонидан амалда кўрсатилган хизмат учун ҳисоб-китобни амалга ошириши шарт.

7. Махфийлик

7.1. Томонлар ушбу Бош келишув доирасида бир-бирларига Томонлар, Корхоналар тўғрисида ошкор этилган ахборотлар, шунингдек ушбу ахборотлар негизида тайёрланган таҳлилий материалларни махфийлигини сақлаш ва учинчи шахслар олдида ошкор этмаслик мажбуриятини олади.

Томонлар ўз ходимлари томонидан ушбу мажбуриятлар тўлиқ риоя этилиши учун етарли чораларни кўриши шарт.

7.2. Бош келишувнинг 7.1.-банди талаблари қуидаги ҳолларга нисбатан тадбиқ этилмайди:

ахборот қонунлар, норматив хужжатлар, суд қарорлари ва биржа қоидалари талаблари асосида ошкор этилганда;

ахборотни ошкор этиш иккинчи томоннинг ёзма, шу жумладан электрон почта орқали, розилиги асосида амалга оширилганда;

ахборотни Томонларнинг ўз фаолиятлари учун жалб этган маслаҳатчилари, адвокатлари, консалтинг ёки бошқа профессионал хизмат кўрсатувчилари ошкор этишда;

ушбу ахборотлар мажбурий тусдаги талаблар, жумладан, давлат реестрларига киритилганда ёки ваколатли органлар талаблари асосида оммавий ахборот кўринишига эга бўлганда;

тегишлича ахборот юқори турувчи давлат органларига тақдим этилганда ва/ёки ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларга тегишлича махфийлик режимига риоя этган ҳолда тақдим этилганда.

8. Низоларни ҳал қилиш тартиби

8.1. Ушбу Бош келишув доирасида ва унда кўрсатилган мажбуриятларни бажариш жараёнидаги низолар Томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал этилади.

8.2. Музокаралар йўли билан ҳал этилмаган низони ҳал қилиш учун томонлар бундай низони Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси қошидаги ҳакамлик судига топширадилар. Низоларни кўриб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси қошидаги ҳакамлик суди қоидаларига асосан амалга оширилади.

9. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

9.1. Агар ушбу Бош келишув бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур Бош келишувнинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

9.2. Мазкур Бош келишув бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

9.3. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Буюртмачи ва Ижрочи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини мухокама қиласидар.

9.4. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

10. Якуний қоидалар

10.1. Ушбу Бош келишувга киритилаган барча ўзгартериш ва қўшимчалар ёзма равишда қўшимча келишув шаклида тузилади ва Бош келишувнинг ажralmas қисми ҳисобланади.

10.2. Ушбу Бош келишув бир хил юридик кучга эга бўлган, ҳар бир Томон учун биттадан, 2 (икки) нусхада тузилган.

11. Томонларнинг реквизитлари

Буюртмачи

Ўзбекистон Республикаси
Давлат активларини бошқариш
агентлиги

100000, Тошкент шаҳри,
Амир Темур кўчаси, 6

Банк реквизитлари:

X/p: 2004108602626600000000000001

СТИР: 201122696

ИФУТ: 97300

Молия вазирлиги ягона ғазна
ҳисобварағи

X/p: 23402000300100001010

Банк: Марказий банк Тошкент ш. Бош

бошқармаси ХККМ

Банк коди: 00014

СТИР: 201122919

Ижрочи

“UzAssets инвестиция компанияси”
акциядорлик жамияти

100000, Тошкент шаҳри,
Амир Темур кўчаси, 6

Банк реквизитлари:

X/p: 20210000205270435001

Банк: АТ Алокабанк Бош офиси

Банк коди: 00401

СТИР: 307667826

ИФУТ: 70220

ҚҚС рўйхат рақами: 326010123712

Агентлик директори

А.Ж. Ортиқов



Бошқарув раиси:

А.А. Қаххоров

